

## **DIFFERENCES BETWEEN PERSON-CENTERED EDUCATION AND TRADITIONAL EDUCATION**

**Jabborov Masud Bakhridinovich.**

Teacher of the Department of "Methods of Primary Education" of the Pedagogical Faculty of the Termez branch of the Tashkent State Pedagogical University named after "Nizami"

The approach to the individual fully reflects the description of the democratization and humanization of the educational process. This is because person-centered education guarantees a high level of achievement of the expected results by organizing the activities of teachers and students on the basis of equality and transparency.

### **ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ**

**Джабборов Маъсуд Бахридинович.**

“Низомий” номидаги ТДПУ Термиз филиали педагогика факультети “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Шахсга йўналтирилган ёндашув таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тавсифини ўзида тўла акс эттиради. Чунки шахсга йўналтирилган таълим ўқитувчи ва талаба фаолиятини тенглик, очиқлик асосида ташкил этиш орқали кутиладиган натижаларга юқори даражада эришишни кафолатлади.

Талабанинг мавжуд шахсий имкониятларни рўёбга чиқаришини таъминлаш, замонавий ўкув жараёнига қўйиладиган жадаллашган илмий-техникавий тараққиётининг талабидир. Бунга индивидуал ва индивидуаллаштирилган ўқитиш орқали эришиш мумкин.

Индивидуал ўқитиш – бу ўкув жараёнининг ташкил этишнинг шакли бўлиб, бунда педагог талabalар билан яккама-якка шуғулланади, талаба ўкув воситалари (китоблар, компьютер ва х.к.) ёрдамида узлуксиз мустақил таълим олади.

Индивидуал ўқитишнинг афзалликлари: педагогик жараённинг талаба қобилиятларига мослашувчанлиги имкониятидир. Бунда талабанинг билим олиш даражаси доимий мониторингини амалга ошириш ва зарурый тузатишлар киритиш натижасида оптимал педагогик жараённи ташкил этилади

Индивидуал ёндашиш – бу педагогик тамойилга кўра, педагогик жараёнда педагогнинг талabalар билан ўзаро муносабати, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ва бутун гурух ҳамда ҳар бир алоҳида талабанинг ривожи учун психологик-педагогик мухит яратилади.

Индивидуаллаштирилган ўқитиш бундай ўкув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида ўқитиш йўллари, усуслари, суръати танланади ва турли ўкув-услубий психологик-педагогик ҳамда ташкилий бошқарув тадбирлари орқали таъминланади .

Индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияси – бунда ўкув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш ва ўқитишнинг индивидуал шакли устивор ҳисобланади. Ўқитишнинг барча шахсга йўналтирилган технологияларида у ёки бу даражада индивидуал ёндашиш қўлланилади, аммо индивидуаллаштирилган ўқитишда, индивидуаллаштириш, ўкув мақсадларига эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Индивидуаллаштирилган ўқитишнинг асоси, талабанинг индивидуал-педагогик хусусиятларини ўрнатиш ҳисобланади. Олинган натижалар асосида, ўқитиш усули танланади ва тамойилларга кўра ўқитиш жараёни амалга оширилади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг анъанавий дидактик тизимдан асосий фарқли жиҳатлари:

Анъанавий таълим	Шахсга йўналтирилган таълим
“Таълим – бу ташқи таъсирлар нати-жасида индивиднинг умумлаштирилган, ижтимоийлашган тажрибаларни ўзлаштириш жараёни.... Жамиятга зарур бўлган нарсалар, шахсга ҳам зарур”(Клиберг Л “Проблемы теории обучения”, М.: Педагогика, 1984 – с.25)	“Шахсга йўналтирилган таълим – талаба шахсининг, унинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб билиш ва ўқиш фаолиятини субъекти сифа-тида, ривожланишини ва ўзини-ўзи ривожланишини таъминлайдиган таълим”(“Новые ценности образования”, М.: РФФИ-ИПИ, 1995 с.55)
Талаба ҳакидаги образли тушунча: “инсон-лой” – дастлабки моҳиятга эга эмас(“тоза қофоз”) ҳамда педагогик фаолиятнинг материали ҳисобланади.	Таълим олувчи ҳакидаги образли тушунча: “инсон-оила”–ривожланиш-нинг генетик дастури мавжуд. Таълим потенциал хусусиятларнинг ривожланиши сифатида
Таълим жараёнида марказий фигура – ўқитувчи.	Таълим жараёни марказида – талаба.
Таълим: ўқитиши ва ўқиши: ўқитувчи билим, кўнукма ва малакаларни беради, ўқувчи эса идрок этади ва ўзлаштиради	Таълим: ўрганилаётган фанларни эгаллаш жараёнида талабанинг индивидуаллиги амалга ошиши ва унинг шахсий сифатларининг ривож-ланишига йўналтирилган ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолияти. Шахсга йўналтирилган таълим юқори даражада “ўрганиш” ва “ўзлашти-риш” тушунчасига қараганда, “эгал-лаш” тушунчасида акс этади.
Таълим жараёнининг асосий фаолияти – ўқитиши.	Таълим жараёнинг асосий фаолияти – билиш фаолияти
Таълим жараёнида болаларнинг субъектли фарқлари ҳисобга олинмайди, ҳамма болалар учун ягона андоза –“стандарт” берилади.	Таълим жараёнида болаларнинг субъектив тажрибаси максимал даражада очиб берилади, талаба-ларнинг индивидуаллигига алоҳида эътибор қаратилади.
Шахсийдан ижтимоий қадриятлар юқори қўйилади.	Бола шахсининг ўзи юқори қадрият саналади.
Дарслклар билан бирга ўқитувчи билимларнинг асосий манбаи сифатида акс этади. Бундан ташқари ўқитувчи билиш субъектининг назорат қилувчисидир.	Ўқитувчининг роли – талаба мус-тақил таълим оладиган, шахсий имкониятларига таянадиган ва таълим технологиялари билан боғлиқлиқда фойдаланувчи таълимий муҳитни ташкил этиш.

Бұ үқувчиларнинг турли хил үқув-услубий, психологияк-педагогик, ташкилий-бошқарув ишланмалар асосида, аниқланган индивидуал қобилиятларига күра үқитиш үсуллари, йўллари, суръати танланган үқув жараёнини ташкил этилишидир.



2.1.2-расм. «Индивидуаллаштиришган үқитиш»нинг блок-схемаси

**Концентрланган таълим** – ўқув жараёнини ташкил этишнинг алоҳида технологияси бўлиб, бунда педагог ва талабаларнинг диққати хар бир фанни теран ўрганишга дарслар ва блокларни бириктириш, ўқув куни, хафтаси давомида параллел ўрганадиган фанларнинг сонини қисқартириш орқали жалб қилинади.

Концентрланган таълимнинг **мақсади** ўқув жараёнини ташкилий тузилишини қулагаштириш, таълимни инсонни тарбиялашнинг табиий психологик ўзига хосликлари билан яқинлаштириш орқали талабаларга таълим ва тарбия бериш сифатини оширишdir.

**Концентрланган таълимнинг моҳияти:** билиш жараёнини узлук-сизлиги ва унинг яхлитлиги; бутун ўқув фани ёки бўлим, мавзуларини ўр-ганиш, уларнинг мустаҳкам ўзлаштирилшини таъминлашда бир хил муд-датдаги давомийлик; бир пайтнинг ўзиди ўрганилаётган фанлар сонини қисқартириш; ўқув жараёнини талабаларнинг мустақиллиги, масъулияти, ижодий фаоллигини ривожлантиришга йўналғанлиги; таълим метод ва шаклларининг қўлланилишининг яхлитлиги ва хилма-хиллиги; ўқув мате-риалининг мақсади ва мазмуни, педагог ва талабаларнинг иш қобилияти динамикасини ҳисобга олишнинг мослиги; педагог ва ўкувчиларнинг, талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Юқорида баён этилганлар касб-хунар коллежи талабаларида ташкилотчилик маданиятини шакллантиришда қуидагиларга амал қилиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради:

- педагогларнинг ўспиринлик ёш даврида шахс ривожланишининг ўзига хосликларини билиши;
- моҳияти билиш жараёни ва унинг яхлитлигига намоён бўладиган концентрланган таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, талабаларнинг шахсий потенциалини ривожлантириш асосида таълим жараёни амалга ошади;
- талабаларда мустақиллик, ишчанлик, ташаббускорлик, интизомлилик, мақсадга қаратилганлик, жавобгарлик, ижодий фаолликни ривожлантиришга имкон берадиган таълимнинг шакл ва методларини вариатив ва комплекс қўллаш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Akhmedovna Y. T. To develop students' knowledge, skills and competencies in the organizational and technical aspects of essay //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 914-918.